



Мавзу: ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ
ШЕРИКЧИЛИГИНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ
ЖИҲАТЛАРИ

Маърузачи: доцент Ғ.Д.Дусмуратов

Режа.

2.1. Давлат-хусусий шерикчилигини қўллаш соҳалари ва меъёрий ҳуқуқий тартибга солиш

2.2. Ўзбекистонда ДХШ бўйича қонуний-меъёрий ҳуқуқий базани шакллантириш

2.3. ДХШ соҳасида ҳуқуқий ва методологик базани ривожлантириш



1. Давлат-хусусий шерикчилигини қўллаш соҳалари ва меъёрий ҳуқуқий тартибга солиш

- ☞ Замонавий шароитларда давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш учун ДХШ лойиҳалари ўзаро муносабатлари ва бозорини тартибга солиш, давлатнинг роли ва бизнесга таъсири чегарасини аниқ аниқлаш нормалари ва қоидалари зарур. Акс ҳолда ДХШ механизмини ривожлантиришни қийинлаштирадиган ноаниқлик бўшлиғи пайдо бўлади.
- ☞ Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари давлат-хусусий шерикчилиги лойиҳаларини амалга оширишда ўта манфаатдор, лекин уларни ташкил этиш ва амалга оширишда мазкур масаланинг тартибга солинмаслиги билан боғлиқ маълум қийинчиликлар пайдо бўлади. Шундай қилиб, ДХШни тартибга солувчи меъёрий ҳуқуқий базани ривожлантириш зарурати ўта кескин турибди.



Давлат-хусусий шерикчилиги



секторининг самарали фаолият кўрсатиши учун сезиларли ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий база зарур. ДХШ ҳар хил турдаги хизматларни тақдим этишни амалга ошириш шакли сифатида шаклланган хорижий мамлакатлардан фарқли, мамлакатимизда давлат-хусусий шерикчилиги ҳанузгача тегишли инструментларни шакллантириш ва ривожлантириш босқичида турибди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида давлат-хусусий шерикчилигининг ягона тарздаги тарифи йўқ. Ўзидан ўзи кўриниб турибдики, ўзининг комплекслилиги туфайли давлат-хусусий шерикчилиги тўғрисидаги умумий масалалар Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилиги, бундан ташқари бюджет, солиқ ва бошқа ҳуқуқ тармоқлари нормалари билан тартибга солинади.



Тақдим этилган норматив ҳужжатлар шарҳи қуйидагича хулоса қилишга имкон беради, қонунчилигимиз давлат-хусусий шерикчилиги асосида амалга ошириладиган лойиҳаларда қўллаш мумкин бўлган инструментларнинг сезиларли жамланмасини таклиф қилади:

- ☞ 1. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуни. Тошкент, «Адолат», 1993 йил.
- ☞ 2. Ўзбекистон Республикасининг “Концессиялар тўғрисида”ги қонуни. 1995 йил 30 август, 110-І-сон
- ☞ 3. Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги 1996 йил 25 апрелдаги қонуни
- ☞ 4. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги 1998 йил 30 апрелдаги қонуни.



Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат	Қисқача характеристикаси
1	2
ЎзР “Рақобат тўғрисида”ги қонуни. 2012 йил 6 январь.	ДХШ доирасида танлов ўтказиш тартибларини, давлат мулки объектларини хусусий шерик мулкига ўтказиш, ижарага ёки бошқа ҳуқуқларда бериш тартибини ўрнатади.
ЎзР “Концессиялар тўғрисида”ги қонуни. 1995 йил 30 август.	Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инвестиция жалб этишни тартибга солади, давлат мулки бўлган мол-мулкдан самарали фойдаланишни таъминлайди. концессия шартномаси шартларида ва истеъмолчиларга тақдим этиладиган товарлар, иш, хизматлар сифатини оширади.
1	2
ЎзР “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси.	ДХШнинг контракт шакллари ҳамда давлат эҳтиёжлари учун товарларни етказиб беришга, ишларни бажаришга, хизмат кўрсатишга буюртмаларни жойлаштириш боғлиқ муносабатларни тартибга солади
ЎзР “Маҳсулот тақсимооти оид битимлар тўғрисида”ги 2001 йил 7 декабрдаги қонуни	Давлат ва хусусий бизнес ўртасидаги шерикчилик муносабатларининг мазкур шакли анъанавий концессияни эслатади, лекин барибир фарқи бор. Фарқ энг аввало давлат ва хусусий шерик ўртасидаги мулкчилик муносабатлари конфигурацияси ҳар хил.
ЎзР “Давлат корпорациялари тўғрисидаги” қонуни	Давлат корпорациялари ҳуқуқий ҳолатлари, фаолият мақсади, фаолиятни бошқариш ваколатлари ва тартиби, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини аниқлайди.

2.2. Ўзбекистонда ДХШ бўйича қонуний-меъёрий ҳуқуқий базани шакллантириш

Ўзбекистон Республикасида ДХШ учун ҳуқуқий базани концессия, хусусийлаштириш, табиий монополиялар, рақобат, хорижий инвестицияларни жалб этиш тўғрисидаги ҳамда ижтимоий ва иқтисодий инфраструктуранинг алоҳида секторларидаги ислохотлар бўйича миллий қонунчилигимизда қабул қилинган қонунлар ташкил этади. ДХШнинг кўпчилик лойиҳалари концессион асосга эгаллиги боис миллий концессия қонунчилиги катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасида 1995 йилда МДҲ давлатларида биринчилардан бўлиб “Концессия тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторларга объектларни концессияга тақдим этишнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини тартибга солиди

Концессиянинг замонавий тарифи



☞ концессия шартномаси бўйича давлат мулки объектларини яхшилаш ва самарали эксплуатация қилиш мақсадида вақтинчалик эгаллик қилиш ва фойдаланишга ҳамда концессиячи маблағлари ҳисобига ёки концессия органлари томонидан ҳаммолиялаштириш шарти билан янги объектларни яратиш (қуриш) ҳуқуқини ўтказиш, кейинчалик бундай объектларни концессиячига эгаллик қилиш ҳуқуқини тақдим этиш билан, кейинчалик эксплуатация қилиш учун ҳамда давлат қўллаб-қувватлашини тақдим этиш ёхуд қўллаб-қувватлашсиз фойдаланиш учун давлатга ўтказишдир.



Шунингдек!!!

☞ Концессиялар тўғрисидаги қонунга мувофиқ концессиячи ажратилган ер участкасидан, сув ресурсларидан, энергия манбаларидан, муҳандислик коммуникацияларидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланиш, фойдаланилаётган худудда бинолар, иншоотлар, шохобча йўллар, шосселар, телеграф ва телефон алоқа линиялари қуриш, мол-мулк таркибига унинг қийматини оширадиган ўзгартишларни мустақил киритиш, уни қайта қуриш, кенгайтириш, техника билан қайта қурооллантириш, ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва ходимларнинг шахсий эҳтиёжлари учун мол-мулк ва зарур материаллар олиб кириш, ўз мол-мулкини ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни олиб чиқиб кетиш ҳуқуқларга эга. Бунда давлат концессиячига концессиячилик фаолияти билан боғлиқ мол-мулкка, ер ва ер ости участкаларига эгалик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқини бериб, уларни тасарруф этишдан иборат алоҳида ҳуқуқни ўзида сақлаб қолади.

3. ДХШ соҳасида ҳуқуқий ва методологик базани ривожлантириш


- ☞ *Ўзбекистонда ДХШ механизмларини ривожлантиришни давом эттириш учун ДХШни ривожлантиришнинг миллий дастурини ишлаб чиқиш зарур.*

Ўзбекистонда ДХШ механизмларини ривожлантиришни давом эттириш учун ДХШни ривожлантиришнинг миллий дастурини ишлаб чиқиш зарур

ДХШни жорий этишни босқичма босқич режалаштириш;

ДХШ лойиҳалари самарадорлигини баҳолашнинг тартиблантирилган тизимини яратиш;

Хусусий секторига ва манфаатдор идораларига кадрлар тайёрлашни ва малакасини оширишни таъминлаш.



- Мазкур дастурни амалга ошириш катализаторларидан бири бўлиб “Давлат-хусусий шерикчилиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш хизмат қилади, унда ДХШ иштирокчилари учун “ўйин қоидалари” аниқ белгиланади. Шунингдек бюджет қонунчилигининг амалга оширишнинг оптимал схемасини аниқлаш, давлат қўллаб қувватлаши чораларини қайта кўриб чиқиш, инвестиция ва эксплуатация сарфларини давлат қўллаб-қувватлашининг молиявий чораларини индексация қилиб қоплаш механизмини жорий этиш имкониятларини қараб чиқиш учун инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг дастлабки таҳлилинини ўтказиш қисмига ўзгартиришлар киритиш зарур.



Адлия Вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси муҳокамага қўйилди (2017)

- ☞ Бунда давлат бошқаруви, ҳудудий ҳукумат органлари ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколатланган бошқа давлат ташкилотлари давлат шериги бўла олади.

Хусусий шерик



- ☞ бу Ўзбекистондаги юридик ёки жисмоний шахс, хорижий юридик ёки жисмоний шахс, давлат-хусусий шериклигини тузган ёки тузиш истагида бўлган халқаро ташкилот. Улар фаолиятининг асосий мақсади фойда олишдир (Norma.uz).



Давлат-хусусий шерикчилиги объектлари .

	1-гuruh
ДХШ объектлари	муҳандислик, ишлаб чиқариш, ижтимоий, транспорт инфраструктуралари объектлари, ҳамда давлат-хусусий шериклигининг давлат мулкчилигида бўлган ва республика иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлмаган қуйидаги: фан, техника ва инновациялар; тиббиёт; таълим, маданият ва ижтимоий хизматлар; телекоммуникация; транспорт хизматлари; йўл сектори; уй-жой ва коммунал хизматлар; қурилиш материалларини ишлаб чиқариш; ёқилғи-энергетика ва кимё саноати; энергиянинг қайта тикланувчи манбалари; механик муҳандислик; металлургия; қишлоқ ва сув хўжалиги; табиатни муҳофаза қилиш соҳаларига тегишли бошқа объектлар; давлат хизматлари кўрсатиш; товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тижорат фаолияти турлари.

Давлат-хусусий шерикчилиги тўғрисидаги шартномалар обороти қонунчиликка мувофиқ тақиқланган ёки чекланган фуқаролик ҳуқуқи объектларига нисбатан тузилиши мумкин эмас.

Давлат-хусусий шерикчилиги тўғрисидаги шартномалар тузилиши мумкин бўлган объектлар рўйхати махсус ваколатли орган томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Қонунчилик билан бириктирилган ДХШ объектлари рўйхатидан келиб чиқиб бизнеснинг ҳудуд ҳаёт таъминоти соҳасида иштирок этиши иш жойларининг қисқаришига ва коммунал хизматларнинг ошишига олиб келмаслиги лозим.

Шунингдек ҳокимият органларининг иқтисодиётнинг маълум соҳаларидан тўлиқ кетиши назарда тутилмайди, уларнинг назорати сақланиб қолади, шу жумладан баҳо белгилашга ҳам

Бугунги кундаги долзарб муаммо “Давлат-хусусий шериклиги тўғрисидаги” қонун қабул қилиниши билан бошқа қонунчилик ҳужжатларида ҳам ДХШга тегишли ҳуқуқий ҳолатларни ёритиш керак. Шу билан бирга терминология ягоналиги ҳам юридик техника қоидаларидан бири ҳисобланади, демак, қонун матнларида фойдаланиладиган терминлар бир хил маънога эга бўлиши лозим. Тарифларнинг ягоналигига кўп ҳолларда ДХШ лойиҳаларининг мақсадга мувофиқ йўналтирилганлиги боғлиқ.



ДХШ тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий база махсус қонун ҳужжатларини ва дастурий ҳужжатларни ўз ичига олиши керак

- Ўзбекистон Республикасини узоқ муддатли даврга ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясида ДХШни қўллаш тўғрисида Низом;
- Ўзбекистон Республикасида узоқ муддатли даврда ДХШни ривожлантириш концепцияси;
- Ўзбекистон Республикаси “Давлат-хусусий шериклиги тўғрисидаги” қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг узоқ муддатли мақсадли дастурлари;
- ДХШ механизмларини ривожлантириш мақсадлари учун, шу жумладан алоҳида тармоқларга қўлланиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- Ўзбекистон Республикаси алоҳида институтлар фаолият кўрсатиши тартибини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар





Эътиборингиз
учун рахмат!